

Ёрдам штабига кўнгиллиларни таклиф этамиз



16:35 / 03.05.2020 1939

Сардобадаги офатда зарар кўрганларга ёрдам бериш штаби ташкил қилингани ҳақида эълон берилган заҳоти юртдошларимиздан юзлаб мурожаатлар бўлиб, миллионлаб сўмлик ўтказмалар, нақд пуллар, кийим-кечак, озиқ-овқат ва бошқа турдаги хайриялар келиб туша бошлади.

Баҳамжиҳатликдаги ушбу уринишлар сабаб бугун эрталаб «Ҳилол-нашр» матбаа-нашриёти биноси ёнидан Сирдарё вилоятидаги ҳамюртларимиз учун тайёрланган юк машиналари карвони йўлга тушди.

Айни дамда яна кўплаб юртдошларимиз томонидан тинимсиз равишда озиқ-овқат, кийим-кечак бошқа зарурий ашёлар келиб топшириляпти. Уларни ажратиш, жойлаштириш, машиналарга юклаш учун

кўнгиллиларнинг ёрдамига эҳтиёж сезилмоқда.

Шунингдек, юк машинаси билан хизмат қилиш истагида бўлган дўстларимизни ҳам савобли ишдаги ҳамкорликка чорлаб қоламиз.

Хайрия штаби манзили:

Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, Сўгалли ота кўчаси, 5-уй.

Телефонлар: +998 93 397 0012

Боғланиш учун: @grandtalimadmin_bot

Islom.uz портали